Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

к договору (контракту) от 02.03.2022 г. № 3949

между МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK" и Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси на общую сумму 76632000,00

Глава 054

Казначейский лицевой счет 100022860272597073101054001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4252300 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | 76 632 000,00 | | | 76 632 000,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **76 632 000,00** | | | **76 632 000,00** |

Всего 76 632 000,00 сум

Семьдесят шесть миллионов шестьсот тридцать две тысячи сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 22989600,00 сум или 30 %*** от общей суммы договора подлежат предоплате в март мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах.

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный ______ %, от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика ______ (подпись) С.Ю.Умирзоков Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ______ (подпись) Shavkatullayev Aziz Shavkatullayevich Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ______ (подпись)

« » __________ 20 __ г.

Получил работник заказчика ______ (подпись)

« » __________ 20 __ г.

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича**
**ШАРТНОМА № 8949**

Янгийўл тумани 2022 йил «02» март

**МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"** номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор **Жуманов Шокир Махмудович** (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади) бир томондан ва **Тошкент вилояти Янгийўл туман Тиббиёт бирлашмаси** номидан Низом асосида фаолият юритувчи **Умирзоков Санжар Юлдашалиевич** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади),иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини **иссиқ овқат билан таъминлаш хизматини** ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Аутсорсинг хизматларига (мижозларни овқат билан таъминлаш хизматидан ташқари) ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотлар томонидан тегишли хизмат таннархига (иш ҳақи, иш ҳақига ажратма, моддий харажатлар, билвосита харажатлар) аутсорсернинг харажатларини қоплаш мақсадида 20 фоизгача устама ҳақни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

1.4. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил « 02 » мартдан.

2022 йил «31» декабргача.

1.5. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб, Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

## II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар учун 20 фоизгача устама ҳақини олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишини таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларини бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

## III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **76 632 000 (Етмиш олти миллион олти юз уттиз икки минг) сўмни** ташкил этади.

3.2. "Буюртмачи" етказиб бериладиган «хизмат»лар туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган «хизмат»лар учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 30 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади. Етказиб берилган «хизмат»лар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

## V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси конунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

## VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ски тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдикланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

## VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар езма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг езма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларининг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача кадар амал қилади.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

| «Аутсорсер» | | «Буюртмачи» |
|---|---|---|
| **МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"** | | **Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси** |
| Манзил: Тошкент шахри Олмазор тум., Коркамиш 2/4 дахаси, 17-уй 35-хонадон | | **Манзил:** Янгийул тумани Халкабод МФИ Гунча кучаси 10-уй |
| Тел.: | | **Тел:** +99 870 602-27-01 |
| Х/р: 20 208 000 005 477 803 001 | | **Х/р:** 10002286027254707310105400 1 |
| | | **ИНН:** 200 588 189 **ОКЭД:** 86 100 |
| | | **Янгийул туман Газначилик булинмаси** |
| Тошкент., ОАТБ «АгроБанк» Тошкент в.Худ.ф-лн | | **Х/р:** 23 402 000 300 10 000 1010 |
| ИНН: 309 185 143; **МФО:** 00 454 | | **ИНН:** 201 122 919 **МФО:** 00 014 |
| | | |
| **Рахбар:** ______ **Ш.М.Жуманов** | | **Рахбар:** ______ **С.Ю.Умирзоков** |

BUNYODBEK VA MASHHURBEK

Юрист: ______________________

МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK" ва Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси ўртасидаги тузилган "02" март 2022 йилдаги 8949 -сонли шартномага

# С П Е Ц И Ф И К А Ц И Я

(сумда)

| № | Хизмат тури | Улч. бирл. | Микдори | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Организация горячего питания (Тайёр иссик овкат билан таъминлаш) | порц. | 5150 | 12 400 | 63 860 000 |
| 2 | Устама хаки 20% | усл. | 5150 | 2 480 | 12 772 000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| **Жами:** | | | | | **76 632 000** |

"Аутсорсер"
МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"
_______________ Ш.М.Жуманов
м.ў.

"Буюртмачи"
Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси
_______________ С.Ю.Умирзоков
м.ў.

# MCHJ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"

Тошкент шахри Олмазор тум., Коракамиш 2/4 дахаси17-уй 35-хонадон
Х/р: 20 208 000 005 477 803 001, ИНН: 309 185 143, МФО: 00 454, Тошкент., ОАТБ «АгроБанк» Тошкент ш Худудий ф-ли

Янгийул туман Тиббиёт
бирлашмаси бош шифокори
С.Ю.Умирзоковга

№ 11
"02" март 2022 й.

**Тижорат таклифи**

МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK" ташкилоти, Сиз томондан "etender.uzex.uz" сайтига 2022 йил 21 феврал куни жойлаштирилган 34807-сонли лот буйича, Сизга куйидаги Аутсоринг хизмати (Тайёр иссик овкат билан таъминлаш) буйича куйидаги нархда узининг тижорат таклифларини таклиф килади.

| № | Хизмат тури | ўлч. бирл. | Нархи |
|---|---|---|---|
| 1 | Организация горячего питания (Тайёр иссик овкат билан таъминлаш) | порц. | 12 400 |
| 2 | Устама хаки 20% | усл. | 2 480 |
| | | | |
| | | | |

МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"
рахбари: Ш.М.Жуманов
м/у

BUNYODBEK VA MASHHURBEK

4671242

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BUNYODBEK VA MASHHURBEK" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"BUNYODBEK VA MASHHURBEK" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.01.2022 — 1082326 — ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 309185143

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent shahri, Olmazor tumani, Qoraqamish 2/4 daxasi, 17-uy, 35-xonadon,

Guvohnoma: Toshkent shahri, Olmazor tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

4354075.

# "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"

## Mas`uliyati cheklangan jamiyati

Тошкент шахри Олмазор тум., Коркамиш 2/4 дахаси, 17-уй 35-хонадон
Х/р: 20 208 000 005 477 803 001 ИНН: 309 185 143 МФО: 00 454
ОАТБ «АгроБанк» Тошкент в.Худ.ф-ли

«22» 02 2022 й.
№ 9

Янгийул туман Тиббиёт
бирлашмаси рахбарига

**КАФОЛАТ ХАТИ**

**МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"** Сизга, 2022 Йил 21 феврал санасида Узбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржасига жойлаштирилган 34807-сонли "Энг яхши таклифни танлаб олиш" лотидаги талабларга мувофик, куйидагиларни маълум киламиз:

- **МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"** корхонаси 22.02.2022 йил холатига банкротлик холатида эмас.
- **МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"** корхонаси 22.02.2022 йил холатига харидорлар (ёки бюджет ташкилотлари, юридик макомдаги буюртмачилар) билан хеч кандай карздорлик ёки корхонамиз томонидан шартнома шартларини бажармаслик юзасидан хеч кандай суд ишлари кутарилмаган ва олиб борилмаяпти.
- **МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"** корхонаси 22.02.2022 йил холатига солик имтиёзларига эга эмаслиги, шунингдек молиявий операцияларини амалга оширишда маълумотларни ошкор килишва такдим этишни таъминланмайдиган штатлар ёки худудларда руйхатдан утган ва банк хисоб ракамларига эга булганлар (оффшор зоналар) каторида эмас;
- **МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"** корхонаси 22.02.2022 йил холатига кура, Давлат харидлари электрон тизимида "инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри"да мавжуд эмас (маълумотлар илова килинади).

Юкоридагилардан келиб чикиб, Сизнинг талабларингизга мувофик тайёр озик-овкат махсулотларини уз вактида хамда сифатли етказиб беришни кафолатлайди.

**МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK" рахбари:** **Ш.М.Жуманов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
BUNYODBEK VA MASHHURBEK

# "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"

## Mas`uliyati cheklangan jamiyati

Тошкент шахри Олмазор тум., Коркамиш 2/4 дахаси, 17-уй 35-хонадон
Х/р: 20 208 000 005 477 803 001 ИНН: 309 185 143 МФО: 00 451
ОАТБ «Агробанк» Тошкент в.Хул.ф-ли


«22» 02 2022 й.
№ 10

Янгийул туман Тиббиёт
бирлашмаси рахбарига

**МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"** Сизга, 2022 йил 21 феврал санасида Узбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржасига жойлаштирилган 34807-сонли "Энг яхши таклифни танлаб олиш" лотидаги талабларга мувофик, куйидагиларни маълум киламиз:

- **МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"** корхонасида 22.02.2022 йил холатига овкат тайёрлаш буйича аутсорсинг хизматини ташкил этиш буйича тажриба эга.
- Ушбу сохада ишлойчи 6 нафар малакали ошхона ходимлари фаолият олиб боради.
- Корхонамиз балансида хозирги кунда тайёр овкатланишни ташкил этиш аутсорсинг хизмати учун 2 дона автотранспорт воситаси мавжуд.

  Сиз рахбарлик килаётган Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси ошхонасида Карорда назарда тутилган жорий таъмир талаб жойларини таъмирлаш, эскирган асосий воситаларни кайта таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш ишлари амалга оширилади;
- Сиз рахбарлик килаётган Янгийул туман Тиббиёт бирлашмаси ошхонаси ходимларини иш жойини саклаш хамда малака ошириш ишларини амалга ошириш ишларини олиб бориш;
- Корхонамиз томонидан байрам дастурхоналарини ташкил этиш хам кузда тутилган.

Техник хизмат ходимларини (супурувчи, коровул, богбон) бепул овкатлантиришни ташкил этиш кузда тутилган;

Юкоридагилардан келиб чикиб, Сизнинг талабларингизга мувофик тайёр озик-овкат махсулотларини уз вактида хамда сифатли етказиб беришни кафолатлайди.

**МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK" рахбари:** **Ш.М.Жуманов**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
МЧЖ "BUNYODBEK VA MASHHURBEK"
Ш.М Жуманов

| Таомнома | | Нон | Сут | Печенье/вафли | Сариёғ | Шарбат | Шакар | Олма | Пахта ёғи | Мол гўшт | Бодринг | Помидор | Пиёз | Сабзи | Картошка | Перловка ёрмаси | Тури | Нухат ёрмаси | Гуруч | Томат | Ош тузи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Нонушта | Ширгуруч | | 0.05 | | 0.005 | | 0.005 | | | | | | | | | | | | 0.03 | | 0.002 |
| | Нон (кг) | 0.1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Печенье/вафли | | | 0.03 | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Обед | Перловка шурва | | | | | | | | 0.005 | 0.030 | | | 0.02 | 0.02 | 0.05 | 0.03 | | | | 0.002 | 0.002 |
| | Шавла | | | | | | | | 0.005 | 0.030 | | | 0.02 | 0.04 | | | | | 0.04 | | 0.002 |
| | Нон (кг) | 0.1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Салат | | | | | | | | | | 0.05 | 0.05 | | | | | | | | | |
| | Шарбат | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Ужин | Горох шурва | | | | | | | | 0.005 | 0.030 | | | 0.02 | 0.02 | 0.05 | | | 0.04 | | | 0.002 |
| | Нон (кг) | 0.1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Олма | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Салат | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Норма | 0.3 | 0.05 | 0.03 | 0.005 | 0 | 0.005 | 0 | 0.015 | 0.13303 | 0.05 | 0.05 | 0.06 | 0.08 | 0.1 | 0.03 | 0 | 0.04 | 0.073 | 0.002 | 0.008 |
| | Хақиқатда берилди | 0.3 | 0.05 | 0.03 | 0.005 | 0 | 0.005 | 0 | 0.015 | 0.13303 | 0.05 | 0.05 | 0.06 | 0.080 | 0.1 | 0.03 | 0 | 0.04 | 0.07 | 0.002 | 0.008 |
| | | 0 | 0 | | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | | | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Нарх | 2833.33 | 6500 | 12000 | 47000 | 4500 | 9000 | 10000 | 13000 | 58000 | 5000 | 7000 | 3000 | 4200 | 5100 | 6000 | 1300 | 6000 | 8000 | 16000 | 1500 |
| | Сумма | 850.00 | 325 | 360 | 235 | 0 | 45 | 0 | 195 | 7715.74 | 250 | 350 | 180 | 336 | 510 | 180 | 0 | 240 | 584 | 32 | 12 |
| | **Жами сумма** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 12400 | |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: TX5876127412

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi.** shartnoma

2. **Loyihaning nomi.**

Yangiyo‘l tumani Tibbiyot birlashmasi – "BUNYODBEK-MASHXURBEK" MCHJ o‘rtasida 76.632.000 so‘mlik Issiq ovqat bilan ta’minlashni Autsorsing shartlari asosida xizmatlar ko‘rsatish to`g`risida **shartnomasi**.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot**.

SHartnoma loyihasi Yangiyo‘l tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va Markazga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 09.03.2022 yilda kiritilgan, hujjat raqami JB74862610.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangiyo`l tumani Yuridik xizmat ko`rsatish markazi boshligi** **S.Djamalov**

**09.03.2022**